НАМАНГАН ТУМАН ҲОКИМИНИНГ

ҚАРОРИ

2008 йил «06» декабрь Тошбулоқ шаҳарчаси № 935-к.

Тумандаги айрим қишлоқ аҳоли пунктларини мақомини ўзгартириш тўғрисида.

«Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларини маъмурий-худудий тузилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-120-сонли ва шу ҳақдаги вилоят ҳокимининг 2005 йил 20 июлдаги 111-сонли қарори ҳамда тумандаги Ғалча, Ғирвон, Ирвадон, Қумқўрғон, Ўзбекистон, Миришкор қишлоқ фуқаролар йиғинларининг 2008 йил 6 декабрдаги хатларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги Ғалча, Ғирвон, Ирвадон, Ровустон, Шишаки, Қумқўрғон, Шўрқўрғон, Миришкор ва Юқори Ровустон қишлоқ аҳоли пунктларини мавжуд чегаралари доирасида шаҳарчалар тоифасига киритиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

2. Мазкур қарор ва қишлоқ аҳоли пунктларини шаҳарчалар тоифасига киритишни асослаб берувчи ҳужжатлар халк депутатлари вилоят Кенгашига тақдим этилсин.

3. Мутасадди давлат органлари амалдаги тартибда қишлоқ аҳоli пунктларини шаҳарчалар тоифасига киритиш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширсинлар.

4. Ушбу қарор тасдиғини вилоят ҳокимлигидан ҳамда халк депутатлари вилоят Кенгашидан сўралсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Пирматов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими : Ж.Юлдашев

O'Z-N RESP. NAMANGAN VILOYATI NAMANGAN TUMANI HOKIMLIGI UMUMIY BO'LIMI

ASLIGA TO'G'RI
UMUMIY BO'LIM
MUDIRI